

«МАЪҚУЛЛА НГАН»

Кузатув кенгаши томонидан
2022 йил «30» ~~12~~ ²⁶ даги
-сон баённома


М.У.
Кузатув кенгаши раиси



“Шарғункўмир” АЖнинг

2023 йил учун

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Ташкилот номи

“Шарғункўмир” АЖ

Идоравий мансублиги

Давлат иштиракидаги

Почта манзили, е-хат манзили
(ёки электрон почта манзили)

shargun_kumir58@mail.ru

СТИР

200494307

Ижроия органи раҳбари:

Х.Н.Абдуллаев

Бош ҳисобчи:

Ш.Б.Файзуллаев



МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);*
- 1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари;*
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;*
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;*
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;*
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;*
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими*

II. Корхонани ислоҳ қилиш

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;*
- 2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;*
- 2.3 Ислоҳ қилишнинг 2023 йил учун режаси;*

III. Бозор ва маркетинг режаси

- 3.1 Бозор таҳлили*
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби*
- 3.3 Рақобат*
- 3.4 Маркетинг режаси*

IV. SWOT-таҳлили

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

VI. Кўрсаткичлар

6.1 Ишлаб чиқариш режаси

- 6.1.1. Хомашё захираси;*
- 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари*
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати*
- 6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси*

6.2 Молиявий режа

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар*

6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)

6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)

6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириши.

6.2.5 Пул оқимлари прогнози

6.2.6 Молиявий барқарорлик, ликвидлик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки

6.2.7 Давлат бюджетига тўловлар прогнози

6.2.8 Молиявий кўрсаткичларнинг ўхшаши корхоналар билан солиштирилиши (бенчмаркинг)

VII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

VIII. Иш хақи тўлаш тизими

IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)

X. Инвестиция лойиҳалари

XI. Экология ва атроф муҳитга таъсири

XII. Иловалар

14.1 Маҳсулот ишлаб чиқариши (хизматлар кўрсатиши) ҳажми

14.2 Таннархни камайтириши бўйича мақсадли кўрсаткичлар

14.3 Кутилаётган бухгалтерия баланси (чораклар кесимида)

14.4 Кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб боровчи тартибда чораклар кесимида)

14.5 Даромадлар ва харажатлар сметаси (бюджети)

14.6 Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари

I. “Шарғункўмир” АЖ тўғрисида умумий маълумот

1.1. “Шарғункўмир” АЖ реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

“Шарғункўмир” АЖ тўғрисида маълумот, корхона паспорти

Т/Р		
1	Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи	“Шарғункўмир” Акциядорлик Жамияти
2	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Акциядорлик Жамияти
3	Фаолият тури	Тошкўмир қазиб олиш
4	Тармоқ	Ишлаб чиқариш
5	Юридик манзили	Шарғун шаҳар А.Икромов кўчаси 50-уй
6	Устав капитали	7 029 420,0 минг сўм
7	Чиқарилган акциялари	7 029 420 дона
8	Статистик таснифлари	0
9	СТИР	200494307
10	Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки	“Ўзсаноатқурилишбанк” ининг Шарғун филиали МФО 00354 х/р 2021 0000 0003 1104 5001
1	умумий ер майдони	58.07 га
2	бино-иншоотлар майдони	8.8 га
3	ишлаб чиқариш майдони	49.27 га
4	инфратузилмаси	Электр энергия, сув, темир йўл ва авто йўл мавжуд.
5	ишчилар сони	519 та
6	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури	Тошкўмир
7	асосий хомашёси;	Йўқ
8	экспорт қилинадиган маҳсулотлар ва давлатлар	Тошкўмир, Покистон ИсломРеспубликаси
9	бошқа маълумотлар.	Йўқ

1.2. Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари

“Шарғункўмир” АЖ кўмир конининг қурилиши 1943 йилдан бошланган. “Сариосиё” темир йўли бекатидан “Тоқчиён” (ҳозирги Шарғун шахри) 12 километр узунликдаги темир йўл шаҳобчаси қурилди, кўмир ташиш учун 18 километр узунликдаги осма-юк канат йўли, ходимларни ва товар моддий бойликларини ташиш учун 20 километр масофага автойўл қурилди.

1958 йили Шарғункўмир кони ишга туширилиб, йилига лойиҳа қуввати 400,0 минг тоннага мўлжалланган.

1960-йилларга келиб қазиб чиқариладиган кўмирнинг 95%ни йириклиги 13мм.гача бўлган кўмир бўлаклари ташкил этиб, уни сотишда жиддий қийинчиликларга дуч келинди. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида 1963 йилда Ангрен ва Шарғун кўмир конларида саноат усулида кўмирни брикетлаш ишлари бошланди. Ангрен кўмирини брикетлаш ижобий натижа бермади. Шарғун кўмир конида кўмир брикетлашнинг нефть ва бошқа боғловчилар билан брикетлаш йўллари ишлаб чиқиш бўйича муваффақиятли ишлар амалга оширилди. Ёш корхонани сақлаб қолиш йўлидаги изланишлар йилига лойиҳа қуввати 200,0 минг.тн брикет ишлаб чиқарадиган брикет фабрикаси қурилишига олиб келди ва у 1965 йил ишга туширилди.

1973 йил шахтада тоғ-кон лаҳм ўтиш ишларини механизациялаш даражаси 97%га етказилди. Юқори баландликдаги шахтада кўмир қазиб олиш ишлари 1840 м. горизонтда олиб борилди. Корхона ўзининг лойиҳа қуввати чўққисига етиб келди. Кўмирни тинимсиз темир йўл станциясига етказиш учун осма канат йўли орқали таъминланиши мақсадида, ҳамда қўшимча заҳираларни тайёрлашда горизонтлар аро ёпиш ишлари ишлаб чиқилди. Выработкаларни тайёрлов ишлари ўтилишида тоғ жинси ортишни механизациялаш даражаси 100%га етказилди.

Шахталарда кўмир қазиб чиқариш ва сотиш ҳажмининг пасайиши натижасида корхона нафақат ривожланиши учун, ҳатто ишлаб чиқариш учун ҳам маблағсиз қолди. 1990 йилдан бошлаб қолдиқ қиймати бўлмаган тоғ-кон жиҳозлари янгиланмаган эди. 2011 йилга келиб ишлаб чиқаришдаги ва тоғ-кон жиҳозларининг жисмоний эскириши натижасида кўмир қазиб чиқариш йиллига 18,4 минг тоннагача пасайди.

Соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида сўнгги 5 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 52 фоизга ошди.

Ушбу мақсадларга эришишда қабул қилинган тегишли Президент Фармон ва Қарорлари ва улар доирасида қабул қилинган тартиблар алоҳида аҳамият касб этди.

Жумладан, “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибига ўтказиш ҳамда кўмир саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ -3380 сонли қарори қабул қилингандан сўнг “Шарғункўмир” АЖда ҳақиқий ривожланиш босқичлари бошланди бу асосий кўрсаткичларнинг йилдан йилга ўсиши билан ўз исботини топмоқда. 1958 йилдан 2021 йилга қадар қазиб олинган кўмир 9,0 млн. тоннани ташкил этди. Шахтанинг бугунги кунгача бўлган тарихида энг юқори кўмир қазиб олиш кўрсаткичлари 2019 йилда 245,0 минг тонна, 2020 йилда 264,0 минг тонна ва 2021 йилда 275,0 минг тоннани ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан йилга ўсиб бориши жамиятнинг молиявий аҳволини яхшиланишига ва кўмир қазиб олиш таннархини пасайишига сабаб бўлмоқда.

2022 йилда ҳам 280,0 минг тонна кўмир қазиб олиниб корхона тарихидаги энг юқори кўрсаткичга эришиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 январдаги ПҚ-2727-сонли қарорига асосан “Шарғункўмир” АЖ томонидан умумий қиймати 105,5 млн. доллар бўлган “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа тўлиқ ишга туширилиши натижасида 33,0 млн. тоннали кўмир захирасига кириб борилади ва корхона томонидан йилига 900 минг тоннагача юқори калориялик (5200-8100 Ккалл) сифатли тошкўмир маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилади. 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Бундан ташқари Шарғун шаҳридан 10- сонли штольня худудигача “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маблағлари ҳисобидан 21,8 км темир йўл линиясини қурилиши ва ер ости усулида Ўрта Осиёда ягона бўлган механизациялаштирилган технология асосида кўмир қазиб олиш ҳисобига кўмир қазиб чиқариш таннархини пасайишга эришилади.

Ҳозирги кунда лойиҳа доирасида:

– 2021 йил апрель ойида (3 йил давомида) ер ости конида жами 11,5 минг погон метр штольня ва кон ички йўлакларини ўтиш ва қайта тиклаш ишлари тўлиқ якунланган;

– ер ости конида рельслар, сиқилган ҳаво, электр энергияси ва ёнғинга қарши сув таъминоти тизимлари монтаж қилинган;

– тоғ-кон ускуналари 90 фоиз етказиб берилган. Январ ойида қўшимча келишув имзоланиб, ҳақиқий ҳолатга мослаган ҳолда қўшимча қурилмалар пудратчи томонидан олиб келиниши белгиланди. Қолган 10 % ускуналар асосан хавфсизликни назорат қилиш қурилмалари ва кон-кутқарув ва ҳимоя воситалари бўлиб, ушбу қурилма ва воситалар ишлатиш муддатига эга. Конни ишга тушириш вақтида олиб келинади. Агар ҳозир олиб келинса ишлатиш

муддати тугаб яроқсиз ҳолатга келади. Бугунги кунда ушбу қурилма ва воситаларга Хитой давлатининг заводларига ишлаб чиқариш учун буюртма қилинган.

Ҳозирда ер ости конида конвейерларни (6500 погон м, 100% ўрнатилган) ва бошқа ёрдамчи ускуналарни ўрнатиш ишлари бажарилмоқда.

Бугунги кунда, лойиҳа доирасида жами 84,1 млн доллар (89,03 %) маблағлар ўзлаштирилган, шу жумладан ер ости қурилиш ва монтаж ишларига 47,8 млн доллар, тоғ-кон транспортлари ва бошқа ускуналарга 29,2 млн доллар, лойиҳа ишларига 2,8 млн доллар сарфланган.

Лойиҳани 2023 йилнинг мартида ишга тушириш кўзда тутилган.

1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Ишлаб чиқариш қувваатидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2021 й.	%	2022й.	%
1.	Тошкўмир қазиб олиш	Минг тонна	200,0	258,0	129	265,0	132

Жорий йил якунига қадар асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг кутилиши, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар.

“2022 йилда кўмир ресурслари ва истеъмоли баланси” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 февралдаги 85-Ғ сонли фармойишининг иловасига асосан “Шарғункўмир” АЖ 2022 йилда **371,0 минг тонна** кўмир қазиб олиши белгиланган.

Шундан:

- ёпиқ усулида - **79,0 минг тонна;**
- очик усулда - **135,0 минг тонна;**
- инвестиция лойиҳаси бўйича - **157,0 минг тонна;**

Амалда **264,0 минг тонна** га бажарилиб, режага нисбатан **71,0 фоиз** га, ўтган йилга нисбатан **102 фоиз** га ўсиши кутилмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг прогнозга нисбатан камайишига асосий сабаблар, “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси 2021 йилнинг охирига ишга туширилиб, 2022 йилда лойиҳа доирасида 157,0 минг тонна кўмир қазиб олиш режалаштирилган эди. Аммо лойиҳани амалга ошириш жараёнида дуч келаётган муаммолардан бири, бу қурилиш объекти ҳудудига етказиб берилаётган ташқи электр таъминоти қуввати етмаслигидир. Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ўз маблағлари ҳисобидан биринчи босқичда – 35 кВ ҳаво линиясидан фойдаланган ҳолда 10-сонли штолня ҳудудида 2 трансформаторли қуввати 10 МВА “Олчазор-2” трансформатор подстанцияси қуриш ишлари.

иккинчи босқичда: объектни захира электр таъминоти билан таъминлаш учун “Шарғун 110/35/10” кВ подстанциясидан мавжуд “Олчазор-35/6”

подстанциясигача узунлиги 16,7 км кучланиши 35 кВли ҳаво электр тармоғини қуриш ишлари ҳозирги кунга қадар бошланмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари 2022 йил январь ойида ёқилғи танқислиги, январь-апрель ойларида ноқулай об-ҳаво ва ўта оғир тоғ шароитларида ва олдин ер ости усулида қазиб олишда хавфсизлик тўсиқлари учун қолдириб кетилган ҳамда давлат захира балансидан чиқимга олинган жойлардан кўмир қазиб олинаётганлиги сабабли очиқ усулда кўмир қазиб олиш участкаларида кон юзасини очиш ва кўмир қазиб олиш ишлари ортда қолди. *(Маълумот учун: Ҳозирги кунда “Шарғункўмир” АЖнинг кўмир қазиб олиш ҳажмининг 70 фоизини очиқ усулда қазиб олинаётган кўмир ташкил этади.)*

**1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати
бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида
маълумот**

**Корхона тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати:
(инвестициялари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тузилмалар,
филиаллар)**

№	Корхона номи	Улуш миқдори (%)	Устав капитали (баланс қиймати) млн. сўм	Фаолият йўналиши	Олинган даромад (дивиденд)		Киритилган инвестициялар	
					2021й.	2022й.	2021й.	2022й.
1. Тизимдаги корхоналар								
1.	“Бойсункўмир” МЧЖ	100	2 700,0	Тошкўмир казиб олиш				
2.	“Шарғун механика заводи” МЧЖ	100	200,0	Метал конструкциялар ва метал буюмлар ишлаб чиқариш				
3.	“Шарғун Брикет” МЧЖ	100	200,	Брикет кўмир ишлаб чиқариш				
4.	“Шарғун тикувчилик цехи” МЧЖ	100	100,0	Тикувчилик цехи				
2. Носоҳавий активлар								
5.								
6.								
7.								
3. Бўш турган объектлар ва қувватлар								
8.								
9.								
10.								
11.								
12.								
жами								

1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя

Т/р	Ж а м	Ишчилар сони	Бошқарувдаги ходимлар сони	Техник ходимлар сони	Ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи- хизматчилар
1	Ишчи ва ҳодимлар Т	526	31	20	475

да ходимларни ишга қабул қилишда, ишга қабул комиссияси мавжуд. Участка ва бўлимлардан тушган билдиргилар, ва иш ҳажмини ошганлиги муносабати билан янги иш ўринлар яратилса ишга қабул комиссиясининг баённомасига асосан ишчи ходимлар ишга қабул қилинади.

Жамиятда 2021-2023 йиллар учун жамоа шартномаси тузилган бўлиб, ишчи ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашг мақсадида кўп йиллик хизматлари учун тўлов тўғрисидаги” НИЗОМ га асосан жамиятда узлуксиз ишлаган даврига тўловлар, соғлиғини тиклаш учун модий ёрдам ва бир қатор ишчи ходимлар учун ижтимоий тўловлар мавжуд.

2022 йилнинг 11 ойлигида 50 та ишчи ходим ишга қабул қилинган, 52 та ишчи ходим ўз аризасига биноан бўшатишган. 1 та ишчи ходим сабабсиз ишга келмагани учун, 3 та ишчи ходим меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатишган. Ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишда ҳеч қандай қонун бузилиш ҳолатлари кузатилмаган.

Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ		Акциядорлар: ■ Йирик акциядорлар – 99,86 % (70 194 434 дона акция)
2.	Сариосиё туман “Бозор М” КК		Акциядорлар: ■ Юридик шахслар – 0,02% (1 151 дона акция)
3.	“Шарғункўмир” акциядорлик жамиятининг 225 тадан иборат бўлган ишчи ва ходимларининг улуши хисобланади.		Акциядорлар: Жисмоний шахслар – 0,13% (8 835 дона акция)

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
4.	Омонов Хайитбай Ахмадалиевич,	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б: (2019 йилдан)	
5.	Аллаяров Темур Баходирович	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг логистика ва туризмни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси (20___ йилдан)	
6.	Атажанов Камал Атаваевич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи: (2022 йилдан)	
7.	Асқаров Музаффар Турсунбоевич,	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи: (2020 йилдан)	
8.	Зайниддинов Нуриддин Савранбекович	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Саноат фаолиятини ташкил этиш ва назоратини бошқариш бошқармаси бош муҳандиси (2020 йилдан)	
9.	Дадабоев Бехзод Нариманович,	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б. референти (2019 йилдан)	
10.	Сабуров Жўрабек Мақсудовичлар	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари (2021 йилдан)	

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
III. Ижроия органи			
11.	Абдуллаев Хамза Найимович.	Бош директор, (2020 йилдан)	___% (___ дона акция)
12.	Сурхонов Шавкат Жўрақулович	Бош муҳандис (2019 йилда)	-
13.	Шойматов Жамол Юсупович	Бош директорнинг иқтисод ва молия ишлари бўйича ўринбосари (2019 йилда)	-
14.	Файзуллаев Шайдулла Бобоқулович	Бош ҳисобчи (2020 йилда)	
15.	Абдиев Сами Хасанович.	Прогнозлаштириш таҳлил ва иқтисод бўлими бошлиғи (2018 йилда)	___% (___ дона акция)

1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи

Республикада “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖ кўмир қазиб олиш корхоналари мавжуд. “Ўзбеккўмир” АЖ йилига 4 200,0 минг тонна кўмир қазиб олиш қувватига эга. Ишлаб чиқарилган маҳсулот саноатда иссиқлик электр станциялари, цемент, гишт ишлаб чиқариш ва иссиқхоналар учун ишлатилади.

Шу билан бир қаторда, “Шарғункўмир” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика экспорт салоҳиятини ошириш бўйича берган топшириқларига асосан, жамиятда ички эҳтиёжни қондирган ҳолда, тошкўмирни экспорт қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Олиб борилган музокаралар маҳсули сифатида 2022 йилнинг 11 ойида “Шарғункўмир” АЖ да қазиб чиқарилган СССШ маркали, 13 527 тонна тошкўмирни 803,9 минг доллари қийматида, Покистон Ислом Республикасига етказиб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 10 ноябрдаги 02-3181-сонли Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, барча соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш, Денов туманини комплекс ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш бўйича кўрсатмаларига асосан Республика ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган йиғилиш баёнининг 109-бандида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Хасилов) нинг "Шарғункўмир" АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган кўмир маҳсулотига хорижий харидорлардан кўмир сотиб олишга таклифлар келиб тушаётганлигини ҳамда икки ойдан кўпроқ муддат давомида биржа савдоларига қўйилиб, ташқи бозорга шартнома имзоланмаганлигини эътиборга олган ҳолда, ишлаб чиқарилаётган кўмир маҳсулотини тўғридан-тўғри шартнома асосида сотишга рухсат берилгандан сўнг қазиб чиқарилаётган тошкўмир маҳсулотларини яқин келажақда Покистон, Афғонистон ва Эрон Ислом Республикаларига экспорт қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

Корхона маҳсулотининг сифат сертификатлари мавжуд. Ҳар бир ортилган тошкўмир учун Сифат назорати стандартларга ва метрологияга мувофиқлаштириш участкаси томонидан кўмир сифати ҳақида сертификат берилади.

II. Корхонани ислоҳ қилиш

2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 январдаги ПҚ-2727 – сонли қарорига асосан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан “Шарғункўмир” АЖ ни йилига 900 минг тонна кўмир қазиб олиш қувватига етказиш мақсадида Модернизация қилиш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати - 105,5 млн. доллар (*корхонанинг ўз маблағи -15,7 млн. доллар, Хитой Эксимбанки заёми - 89,8 млн. доллар*), қуввати - йилига 900 минг тонна тошкўмир қазиб олиш.

Хитой Эксим Банки кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган ушбу инвестицион лойиҳа доирасида 2016 йил 1 ноябрда “Шарғункўмир” АЖ ҳамда Хитой давлатининг “China Railway Tunnel Group Co.,Ltd.” (CRTG консорциум етакчиси) ва “China Coal Technology & Engineering Group Corp.” (ССТЕГ) компаниялари консорциуми ўртасида 94,5 млн. АҚШ долларига тенг шартнома имзоланган.

Лойиҳа доирасида Пудратчи томонидан умумий миқдорда 11 478,4 метр ер ости кон лаҳмларини ўтиш ва қайта тиклаш ишлари 2021 йил апрель ойида тўлиқ амалга оширилди ва тоғ- кон ускуналари 90 фоиз олиб келинди.

2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;

Лойиҳа тўлиқ ишга туширилиши натижасида 33,0 млн. тоннали кўмир захирасига кириб борилади ва корхона томонидан йилига 900 минг тоннагача юқори калориялик (5200-8100 Ккалл) сифатли тошкўмир маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилади. 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Бундан ташқари Шарғун шахридан 10- сонли штольня худудигача “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маблағлари ҳисобидан 21,8 км темир йўл линиясини қурилиши ва ер ости усулида Ўрта Осиёда ягона бўлган механизациялаштирилган технология асосида кўмир қазиб олиш ҳисобига кўмир қазиб чиқариш таннархини пасайишга эришилади.

2.3 Ислоҳ қилишининг 2023 йил учун режаси;

1.2023 йилнинг II чорагида “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини фойдаланишга топшириш.

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1. Бозор таҳлили

Хозирги кунда корхонамизнинг асосий истеъмолчилари “Ўзбекэнерго” АЖ таркибидаги корхоналар “Angren IES” АЖ , “Yangi Angren IES” АЖ ва Республика товар хом - ашё биржаси ҳисобланади.

Кўмир монопол маҳсулот ҳисобланганлиги учун ҳар йил кўмир ресурслари ва истеъмоли балансини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишининг иловаси тасдиқланади.

3.2. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)ларнинг асосий истеъмолчилари, уларнинг таркиби ва гуруҳлари тўғрисида маълумотларни гуруҳлаш. Бунда:

- “Angren IES” АЖ;
- “Yangi Angren IES” АЖ;
- Республика товар хом-ашё биржаси орқали;

3.3. Рақобат

Республика ичида СС маркали тошкўмир фақат “Шарфункўмир” АЖ да қазиб олинади. Республика ташқарисида Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида СС маркали тошкўмир қазиб олинади.

3.4. Маркетинг режаси

Корхонанинг нарх сиёсати, хўжалик юрутувчи субъектлар, монополист корхоналар, табиий монполиялар субъектларнинг товарларига (ишларига, хизматларига) нархларни (тарифларини) шакиллантириш ва декларация қилиш (тасдиқлаш) Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган “Товарлар (ишлар,хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакиллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

IV. SWOT-таҳлили

S –(strength) Республикада энг катта тошкўмир захирасига эга кон Шарғун конлари ҳисобланади. “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан сўнг корхона томонидан йилига 900 минг тоннагача юқори калориялик (5200-8100 Ккалл) сифатли тошкўмир қазиб олинади. Ер ости усулида механизациялаштирилган технология асосида кўмир қазиб олиш ва лойиҳа доирасида қурилган 21,8 км ли темир йўл линияси ҳисобига кўмир қазиб олиш ҳажмининг ошишига ва таннархини пасайтиришга эришилади.

W –(weakness) “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси ишга туширилганда, кўмир қазиб олиш механизациялашган технология асосида амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу усул Ўрта Осиёда ҳали қўланилмаганлиги сабабли ушбу технологияни ишлатиш учун мутахасис етишмовчилиги юзага келиши мумкин.

O – (opportunity) Кўмирни таркибидан 20 га яқин тайёр маҳсулотлар олиш имконияти мавжуд. Мисол учун, кўмирдан германий, скандий, ванадий, платина ва бошқа камёб элементлар ажратиб олиш мумкин. Бундан ташқари кокс, фенол, бензол, бензин, нафталин, мазут, дизел ёқилғилари, канцелярия қаламлари, диареяга қарши таблеткалар, спиртни ва сувни тозаловчи филтрлар, ҳавони тозаловчи филтрлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бир тонна кўмирни қайта ишлаб сотилса 1,2 млн.сўм даромад олинади. Кейинги босқичларини амалга ошириш ҳисобига бир тонна кўмирдан ҳосил бўладиган даромад 10 баробарга ортиб, 12 млн.сўм даромад олиш имконияти мавжуд. Йилига 300 минг тонна кўмирни қайта ишлаш ҳисобига 3,6 трлн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилиши мумкин.Натижада қўшимча 1,5 минг нафар иш ўрни, 3,6 трлн.сўмлик қўшимча қиймат, 250 млрд.сўмлик солиқ тушуми, аҳолини 4-5 млн.сўмдан ойлик даромад олишига ҳамда 100 млн.долларга тенг импортни оптималлаштиришга эришилади.

T – (threat) Ноқулай об ҳаво шароитида очик конларда кўмир қазиб олишни имконияти йўқлиги туфайли вақтинча ишлаб чиқариш тўхтатилади. Ҳозирги кундаги ер ости участкасидаги тоғ-кон асбоб ускуналарининг манан эскирганлиги ва эҳтиёт қисмларининг республикада ишлаб чиқарадиган корхоналари йўқлиги сабабли ҳам ер остидан сифатли кўмир қазиб олиш ҳажми баъзи ойларда камайди.

V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

"Шарғункўмир" АЖнинг 2023 йилда

Электр энергия сарфи прогнози

	ўлчов бир.	2023й.	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Жами электр энергия ҳисоби						
1000 тн кўмир қазиб олиш ва ёқилғи етказиб бериш учун электр энергия сарфи	кВт	16,3	16,1	11,0	19,7	16,2
1кВт учун нархи	минг сўм	391,3	391,3	391,3	391,3	391,3
корхона бўйича сарфи	минг кВт	7 094,0	1 011,5	872,0	2 600,0	2 610,5
Электр энергия истеъмоли қиймати	минг сўм	2 775 882,2	395 800,0	341 213,6	1 017 380,0	1 021 488,7
шу жумладан: ЮТМ участкалари электр энергия ҳисоби						
Кўмир қазиб олиш	минг тонна	435,0	63,0	79,0	132,0	161,0
1000 тн учун электр энергия харажати	минг кВт	13,1	10,5	6,6	17,0	14,0
1кВт учун нархи	минг сўм	391,3	391,3	391,3	391,3	391,3
Жами кўмир қазиб олиш харажати	минг кВт	5 690,5	660,5	522,0	2 250,0	2 258,0
Электр энергия истеъмоли қиймати	минг сўм	2 226 692,7	258 453,7	204 258,6	880 425,0	883 555,4

ҚТМ участкалари бўйича электр энергия хисоби						
Ёқилғи етказиб бериш	МИНГ тонна	435,0	63,0	79,0	132,0	161,0
1000 тн учун электр энергия харажати	МИНГ кВт	3,2	5,6	4,4	2,7	2,2
1кВт учун нархи	МИНГ сўм	391,3	391,3	391,3	391,3	391,3
Жами ёқилғи етказиб бериш харажати	МИНГ кВт	1 403,5	351,0	350,0	350,0	352,5
Электр энергия истеъмоли қиймати	МИНГ сўм	549 189,6	137 346,3	136 955,0	136 955,0	137 933,3

Шунингдек, охириги энергоаудит 2018 йилда ўтказилган, энергия сарфини камайтириш бўйича корхонада ишчилар ҳаммомини кўмир билан иситиш йўлга қўйилган. Бу электр энергияни 50 фоизгача тежайди.

Кўрсаткичлар
6.1. Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1. Хомашё захираси

**2022 йил 1 январь ҳолатида хомашё захираси бўйича
МАЪЛУМОТ**

№	Коннинг номланиши	Жами, минг.тн.	шундан, минг.тн.			Ресурс прогнози, минг.тн	Изоҳ
			A+B+C1	C2	C1		
1	Шарғун бўйича - жами	40 146,3	32 665,3	7 066	415		
	шундан						
	Шарғун конининг асосий майдони	14 133,4	14 133,4				
	Руған-Рихта участкаси	14 019,5	13 604,5		415		
	Шарқий участка	2 026	336	1 690			
	Ғарбий участка	7 452	2 076	5 376			
	Тселикларда	2 515,4	2 515,4				

6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

№	Тошқўмир маркалари	Саноатда қўлланилиши	Ўлчам и, mm	Кулчан лиги A^d , %, гача	Намлик даражас и W^r_i , %, гача	Ёқилғини иш ҳолатидаг и соф иссиқлик даражаси Q^r_i , kcal/kg	25 mm ва ундан ортиқ тоғ жинслари билан аралашмаси % гача
1	СССШ	Иссиқлик электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналари учун (Angren IES ва Yangi Angren IES АЖ) ва биржа савдолари орқали саноат корхоналари учун (цемент, ғишт заводлари)	0-13	30,0	10,0	5200	-
2	СССШМО	Иссиқлик электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналари учун Yangi Angren IES АЖ)	0-50	42,0	15,0	5200	2,0
3	ССКОМ	биржа савдолари орқали саноат корхоналари учун (цемент, ғишт заводлари)	13-100	25,0	10,0	6200	2,0

6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

**"Шарғункўмир" АЖнинг 2023 йилда кўмир қазиб олиш
РЕЖАСИ**

минг тонна

Кўмир қазиб олиш							
			Жами	шу жумладан: чораклик			
				I	II	III	IV
"Шарғункўмир"	2022 й. кутилиш и	режа	264,8	34,0	80,3	70,5	80,0
	2023й.	режа	435,0	66,0	79,0	132,0	161,0
	Ўсиш/ камайиш,	%	164,3	185,3	98,4	187,2	201,3

2023 йилнинг II чорагидан бошлаб, "Шарғункўмир" АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш" инвестиция лойиҳасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Лойиҳани ишга тушириш ҳисобига ўтган йилларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми бир баробарга ошиши кутилмоқда.

**“Шаргункўмир” АЖнинг 2023 йил учун маҳсулот (хизмат)лар сотиш
РЕЖАСИ****

млн.сўм

№	Кўрсаткичлар, бajarилadиган ишлар, маҳсулот номи	2021й. (факт)	2022й. 9- ойлик (факт)	2022й.		2023й. (режа)	Ўсиш, %	Жами тушу мдаги улуши	Шу жумладан			
				режа	кутилаёт ган				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
I. Корхона бўйича												
1.	Жами соф тушум (эгри солиқларсиз)	90 799,1	70 662,5	124 732,2	105 473,4	157 599,4	149	100%	23 767,0	53 060,2	100 020,2	157 599,4
<i>шу жумладан, маҳсулот тури бўйича</i>												
2.	А) Кўмир казиб чиқариш	87 095,5	55 122,2	100 574,5	85 231,4	118 313,0	178	75,5%	17 506,1	39 293,0	74 622,0	118 313,0
	Темир йўл хизмати		13 704,7	19 980,0	18 273,0	33 855,4	185	21,5%	4 903,2	11 051,7	21 325,0	33 855,4
3.	Б) Бошқа даромадлар	3 703,6	1 835,6	4 177,7	1 969,0	5 431,0	276	3%	1 357,7	2 715,5	4 073,2	5 431,0
4.	В) Маҳсулот гуруҳи											
II. Корхона тизимидаги ташкилотлар билан бирга (йиғма)												
1.	Жами соф тушум (эгри солиқларсиз)	94 915,7	73 958,1	134 038,2	110 407,0	165 354,4	150,0	100%	25 628,2	56 782,6	105 603,7	165 354,4
<i>шу жумладан, маҳсулот тури бўйича</i>												
2.	А) Кўмир казиб чиқариш	91 212,1	58 417,8	109 880,5	90 165	126 068,0	140,0	75,5%	19 367,3	43 015,4	80 205,5	126 068,0
	Темир йўл хизмати		13 704,7	19 980,0	18 273,0	33 855,4	185	21,5%	4 903,2	11 051,7	21 325,0	33 855,4
5.	Б) Бошқа даромадлар	3 703,6	1 835,6	4 177,7	1 969,0	5 431,0	276	3%	1 357,7	2 715,5	4 073,2	5 431,0

<i>1 тн кўмир нархи</i>	Ўлчов бирлиги	2021 йил		2022 йил
СССШ	сўм/тонн	332 750		332 750
<i>шундан: ҚҚСсиз</i>	сўм/тонн	289 348		289 348
ССКОМ	сўм/тонн	408 397		408 397
<i>шундан: ҚҚСсиз</i>	сўм/тонн	355 128		355 128
СССШМО	сўм/тонн	243 078		243 078
<i>шундан: ҚҚСсиз</i>	сўм/тонн	211 372		211 372

Биржа савдолари орқали 2022 йилнинг январь-ноябрь ойларида 50,5 минг тонна сотилиб, 15,6 млрд. сўм даромад кўрилди. Биржа савдоларида ўртача 1 тонна кўмир маҳсулоти ҚҚСсиз 308 327 сўмни ташкил этди. (*бошлангич нархи - 289 348 сўм.*)

13,5 минг тонна тошкўмирни чет элда экспорт қилиш натижасида 803,9 минг доллар даромад кўрилди. Ўртача 1 тонна кўмир маҳсулоти 59,4 долларни ташкил этди.

2023 йил 1 январ ҳолатида тайёр маҳсулот қолдиқлари 11 031,0 млн. сўмни ташкил этилиши кутилмоқда

6.2. Молиявий режа

6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар таҳлили

2023 йилда корхонанинг жами даромадлари 157 599,4 млн.сўм бўлиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 52 126,0 млн.сўмга ёки 149 фоизга ошиши кутилмоқда. (2022 йилда 105 473,4 млн.сум ни ташкил этиши кутилмоқда).

Даромадлар ёйилмаси куйидагилардан иборат:

- Кўмир маҳсулоти сотишдан даромад (118 313,0 млн.сум) – 75,5 фоиз
- Темир йўл хизмати даромад (33 855,4 млн.сум) – 21,5 фоиз
- Бошқа даромадлар (5 431,0 млн.сум) – 3,0 фоиз

Жами харажатлар **145 790,5** млн.сўм ни ташкил қилиб, 2022 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 64 фоизга ошганлиги сабабли харажатлар ҳам 46 879,9 млн. сўм ёки 47 фоизга ошиши кутилмоқда (2022 йил – 98 910,6 млн.сум ни ташкил этиши кутилмоқда), шундан:

- Ишлаб чиқариш харажатлари 90 265,3 млн.сўм ни ва ўтган йилга нисбатан 32 426,0 млн.сўм ёки 56 фоизга ошиши кутилмоқда (2022 й – 57 839,3 млн.сум ни ташкил этиши кутилмоқда);

Ишлаб чиқариш таннархи 1 тонна кўмир учун -207 506 сўмни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 10 755 сўм ёки 5 фоизга пасайтиришга. (2022 йил – 218 261 млн.сум ни ташкил этиши кутилмоқда) эришилиши кутилмоқда.

- Давр харажатлари 55 525,2 млн.сўм ни ўтган йилга нисбатан 14 453,9 млн.сўм ёки 35 фоизга ошиши кутилмоқда (2022й – 41 071,3 млн.сум ни ташкил этиши кутилмоқда).

шу жумладан:

- Маҳсулот сотиш харажатлари – 34 362,7 млн.сўм (– 20 793,1 млн.сум);
- Маъмурий харажатлари – 5 866,7 млн.сўм (– 6 571,6 млн.сум);
- Бошқа операцион харажатлари – 15 295,7 млн.сўм (– 13 706,6 млн.сум);

Барча солиқ ва бошқа бюджет тўловларини амалга оширгандан кейин корхонанинг 2023 йилдаги соф фойдаси 10 037,6 млн.сўмни ўтган йилга нисбатан 4 824,8 млн.сўм ёки 2 баробарга ошиши кутилмоқда (2022й – 5 212,8 млн.сум). Соф фойданинг ўтган йилга нисбатан ошиб кетишига асосий сабаблар ўтган йилларга нисбатан харажатларни оптималлаштириш

бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 64,0 фоизга оширганлик ва “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан сўнг корхона томонидан йилига 900 минг тоннагача юқори калориялик (5200-8100 Ккалл) сифатли тошкўмир қазиб олинади. Бундан ташқари Шарғун шаҳридан 10 сонли штольня ҳудудигача 21,8 км темир йўл линиясини қурилиши ва ер ости усулида механизациялаштирилган технология асосида кўмир қазиб олиш ҳисобига кўмир қазиб чиқариш таннархини пасайтиришга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 августдаги 04/15-03-Уз-2019/8-сонли декларация нархи тасдиқланган. Аҳолини турмуш тарзини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш, маҳсулотлар таннархларини оширмаслик мақсадида кўмир маҳсулотининг нархи уч йилдан буён ўзгарисиз қолмоқда.

2019 йилдан 2022 йилгача корхонамиз ишчи ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи икки бараварига (*Маълумот учун корxonанинг ўртача ойлик иш ҳақи 2019 йилда 2 664 113 сўм, 2020 йилда 3 610 332 сўм, 2021 йилда 4 611 524 сўм, 2022 йилнинг 9 ойида 5 333 110 сўмга етган*) оширилган. Ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом-ашё материаллари икки бараварга, биргина дизель ёқилғиси нархи уч бараварига (*Маълумот учун 2019 йилда дизель ёқилғиси ўртача бир литр нархи 4 345 сўм, 2020 йилда 5723 сўмни, 2021 йилда 6 230 сўмни, 2022 йилнинг 9 ойида эса 13 023 сўмни ташкил қилади*) ошган.

Шунга қарамасдан ишлаб чиқариш таннархи 2019 йилда 1 тонна кўмир учун 190 502 сўмни, 2020 йилда 204 679 сўмни, 2021 йилда эса 198 606 сўмни, 2022 йилнинг 9 ойида 218 148 сўмни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики, уч йил давомида ойлик иш ҳақилари, хом-ашё материаллари ва ёқилғи мойлаш материаллари 2-3 бараварга ошган бўлсада, харажатларни оптималлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш таннархи 2019 йилга нисбатан атига 13 фоизга ошган.

Изоҳ: 2023 йилнинг “Бизнес режа” сени тузишда амалдаги тошкўмир нархи ҳисобга олинган. Харажатлар эса жорий йилдаги харажатларга нисбатан 15-20 фоиз қўшилган ҳолда ҳисобга олинган. Агарда 2023 йилда тошкўмир нархи оширилса корxonанинг соф фойдаси прогнозга нисбатан ҳам ошади.

6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)


“Шарғункўмир” АЖнинг
2023 йил учун молиявий-иқтисодий сметаси (бюджети)
РЕЖАСИ

млн.сўм


№	Кўрсаткичлар	2021й.	2021й. 9 ойлк (факт)	2022й (кутила- ётган)	2023й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	Жами даромад (эгри солиқларсиз), шу жумладан:	90 799 ,1	70 662,5	105 473,4	157 599,4	52 126,0	149,0	23 767,0	53 060,2	100 020,2	157 599,4
	<i>соф тушум</i>	73 039 ,5	55 122,2	85 231,4	118 313,0	33 081,6	178,0	17 506,1	39 293,0	74 622,0	118 313,0
	<i>Темир йўл хизмати</i>	14 055,9	13 704,7	18 273,0	33 855,4	15 582,4	185,0	4 903,2	11 051,7	21 325,0	33 855,4
	<i>бошиқа даромадлар</i>	3 703,6	1 835,6	1 969,0	5 431,0	3 462,0	276,0	1 357,7	2 715,5	4 073,2	5 431,0
	<i>молиявий фаолият даромадлари</i>										
2.	Ишлаб чиқариш таннархи	51 251 ,8	40 312,4	57 839,3	90 265,3	32 426,0	156,1	13 817,0	30 288,9	57 634,9	90 265,3
	<i>хомашё ва материаллар</i>	6 409,5	6 157,8	10 570,2	24 843,5	14 235,3	235,0	3 588,9	8 529,4	15 793,9	24 843,5
	<i>ишлаб чиқариш тусидаги хизматлар</i>	4 258,7	2 762,6	3700,8	4 579,6	878,8	123,7	0	1 444,4	2 888,8	4 579,6
	<i>энергия ресурслари</i>	7 035,0	6 884,6	9 179,5	15 319,2	6 139,7	166,9	3 961,5	7 387,3	11 388,4	15 319,2
	<i>Ишчи-ходимлар иш ҳақи</i>	20 228,4	14 993,0	20 740,6	29 063,4	8 322,8	140,1	3 541,1	7 148,9	16 970,4	29 063,4
	<i>ижтимоий солиқ</i>	2 363,1	1 862,7	2 525,7	3 487,6	961,9	138,1	424,9	857,9	2036,4	3 487,6
	<i>асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси</i>	4 402,6	3200,1	4 266,8	6 400,1	2 133,4	150	926,9	2089,2	4031,4	6 400,1
	<i>бошиқа харажатлар</i>	6 549,8	4 487,6	6 855,7	6 564,9	-290,9	95,8	1 372,7	2 829,5	4 521,3	6 564,9
3.	Давр харажатлари	18 069,6	30 181,5	41 071,3	55 525,2	14 453,9	135,2	8 876,7	19 635,1	35 893,8	55 525,2
	<i>сотиш харажатлари</i>	449,4	15 761,5	20 793,1	34 362,7	13 569,6	165,3	4 976,7	11 217,3	21 644,6	34 362,7
	<i>маъмурий харажатлар</i>	4 795,9	4 216,6	6 571,6	5 866,7	-704,9	89,3	1 345,2	2842,5	4 325,6	5 866,7

	<i>бошқа операцион харажатлар, шу жумладан:</i>	12 824,3	10 203,5	13 706,6	15 295,7	1 589,1	111,6	2 554,7	5 575,4	9 923,7	15 295,7
	<i>ҳомийлик ва безғараз ёрдамлар</i>										
4.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	522,5	430,1	430,1							
	<i>фоизлар шаклидаги харажатлар</i>	522,5									
	<i>валюта курси фарқидан зарарлар</i>		430,1	430,1							
	<i>молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар</i>										
	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	5 461,1	2 539,2	6 132,7	11 809,0	5676,3	192,6	1 073,4	3 136,2	6 491,4	11 809,0
5.	Фойда солиғи	937,9	427,4	919,9	1 771,3	851,4	192,6	161,0	470,4	973,7	1 771,3
6.	Соф фойда/зарар	4 523,1	2 111,8	5 212,8	10 037,6	4 824,8	192,6	912,4	2 665,7	5 517,7	10 037,6
7.	ЕБИТДА кўрсаткичи <i>(млн.сўм / %)</i>										
8.	Дебиторлик	76 160,8	64 787,9	60 787,9							
9.	Кредиторлик	73 136,6	118 472,7	115 000,0							

**“Шаргункўмир” АЖ нинг 2018-2023йй да тошкўмир қазиб олиш ҳажми
ТАҲЛИЛИ, минг тонна**



**“Шарғункўмир” АЖ нинг 2018-2023йй да тошкўмир қазиб олиш ҳажми
ТАҲЛИЛИ, млн сўм**



**“Шарғункўмир” АЖ нинг 2023й даги даромадлари
ТАРКИБИ, млрд сўм**




“Шарғункүмир” АЖ нинг 2023й даги харажатлари ТАРКИБИ, млрд сўм


Жами Харажатлар –
145 790,5 млн сўм

Ишлаб чиқариш
(таннарх) харажатлари –
